Аллоҳумма антассалаам (яъни, Салом Аллоҳнинг исмларидан бири, маъноси Сен барча айбу нуқсондан саломатсан ва Сен бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақловчи-саломат этувчи Салом Зотдирсан). Ва минкассалаам (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан). Табаарокта яаа залжалаали вал икром (Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен айбу нуқсондан пок ва муқаддасдирсан)

Савбон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан чиққач уч марта истиғфор айтардилар ва: «Аллоҳумма антассалаам (яъни, Салом Аллоҳнинг исмларидан бири, маъноси Сен барча айбу нуқсондан саломатсан ва Сен бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақловчи-саломат этувчи Салом Зотдирсан). Ва минкассалаам (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан). Табаарокта яаа залжалаали вал икром (Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен айбу нуқсондан пок ва муқаддасдирсан)», – дер эдилар». Валид: «Авзоийга «Истиғфор қандай бўлади», – деб айтдим», деди. «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ», – дейсан», – деди.

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозларини тугатгач: «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ», дер эдилар. Сўнгра Аллоҳ таолони: «Аллоҳумма антассалаам ва минкассалаа, табаарокта яаа залжалаали вал икром», деб улуғлар эдилар. Яъни: «Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан пок, сифатларида комил Зотдир. Фақат Аллоҳдан дунё ва охират саломатлилигини сўрайман бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмас. У Зот улуғлик ва эҳсон соҳибидир.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/10947